

Улуғвор ишлар барчамизга ўрнак ва намуна



19:30 / 13.03.2020 2580

نم نون اهل زرع لادبع نون رمة نون زرع لادبع نع
الاقف، اليل لة لضرعتف: لاقوت ي ب يف عم مان ي و هب ح ي ناك و ب ع ك نم ارم
ذنع تس ل ج ف، تل ح دف، ل خ د ا، ك ب اج ام رش: لاقف، م ع ن: تل ق ل زرع لادبع ا
تن نطف، ورعش ل ل هرف ط ن دل نم ه ص م ه ن اك ص ف ت ن اف ي ل ص ي و ه و ع ي ن و ك د اش
ع ن ص ت ل ك ن ا و ل ج ر ل ا: هل تل ق ف؟ كل ام: لاقف ي ن ات اف، ع ك ر م ث ع ي اب ر م ه ن ا
ال و ه ذ ن ع ه ا ر ي ع ي ش ن م ا د ه ل ا ق ي ن ا ن م ا ت س ل و، ان ب ع ن ص ت ال ام ه ي ث ر ا خ ل ل ن ب اب
ع ج ر ا: لاقف، ه ي ل ع ت د ع ا ف ي ل ع د ا ع ا ف، ال: تل ق ف؟ د ح ا ا د ه ك م ل ع ا: لاقف، م ه ذ ن ع ه ا ر ي
ا ذ ا ف، ا ع ي م ح ه ل ل ا د ب ع و م ص ا ع و م ه ا ر ب ا و ا ن ا ت ي ب ا ت ن ك ف، ت ع ج ر ف، ك ت ي ب م ي ل ا
ام ي ن اش: لاق؟ ك ن اش ام: ان ل ق ف، ه ي ث ر ا خ ل ل ا ن ب ا ه ع ب ت ي ل م ح ي ش ا ر ف ب ن ح ن
ام ل ق ر م ع ن ا ك ف: زرع لادبع لاق، ا ر و ج ن و ك ي ن ا ي ش خ ه ن ا ك: م ي ع ن لاق. ي ب ت ع ن ص
ي ز و ر م ل ا ن ي س ح ه ا و ر ي و ب ه ل ل ا ع ا ش ام ال ا ر ا د ل ا ق ر ا ف ي

Абдулазиз ибн Умар ибн Абдулазиздан ривоят қилинади:

«Умар ибн Абдулазизнинг Каъб қабиласилик хотинидан ўғли бор эди. У ўша ўғлини яхши кўрар ва ўзи билан бирга уйда олиб ётар эди. Бир кеча унинг олдига бордим.

«Абдулазизмисан?» – деди у.

«Ҳа», – дедим.

«Сени қайси ёмонлик келтирди? Кир!» – деди.

Кириб, Шозкуния олдига ўтирдим. У намоз ўқиётган экан. Қаттиқ титраб кетди. Худди тирноғининг учидан сочигача титради. Мен, бирор оятни ўқиб ўтди шекилли, дедим. Кейин рукуъ қилди. Олдимга келиб:

«Сенга нима бўлди?» – деди. Мен унга:

«Ҳой киши! Ҳорисиянинг ўғлига бизга қилмаган нарсаларни қияпсиз», – дедим.

Шу билан бирга, бу унда кўраётган ва уларда кўрмаётган нарса учун шундай бўлмоқда, дейилишидан эмин эмас эдим.

«Буни сенга биров ўргатдимми?» – деди.

«Йўқ», – дедим.

Яна қайтариб сўради. Мен ҳам гапимни қайтардим.

«Ётоғингга қайт», – деди.

Мен қайтиб кетдим. Мен, Иброҳим, Осим ва Абдуллоҳ бир ётоқхонада ётар эдик. Шу пайт биров кўрпа-тўшак кўтариб келаётганини кўриб қолдик. Қарасак, Ҳорисиянинг ўғли экан.

«Сенга нима бўлди?» – дедик.

«Сен нима қилган бўлсанг, шу бўлди!» – деди.

Нуъайм: «Унга жабр бўлишидан кўрқди», – деди.

Абдулазиз: «Умар ҳовлидан узоққа чиқмас эди. Илло, Аллоҳ истаганича», – деди».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Бу ривоят болаларининг орасидаги адолат, эркинлик ва ҳаммаларининг бир хил вазиятда ўсиб боришларини таъминлаш муҳимлигини кўрсатади.

Баъзи ҳолатларда Умар ибн Абдулазиздек улуғ зотларда ҳам, турли сабабларга кўра, ушбу ривоятдагига ўхшаш нуқсонлар содир бўлиб туради. Аммо улуғларнинг улуғлиги ўзидаги нуқсонни англаб етиши билан дарҳол уни тuzатишларидир. Умар ибн Абдулазиз роҳматуллоҳи алайҳи кичик ёшдаги ўғлидан ўзининг фарзандлари орасидаги муомаласида адолатсизликка йўл қўйгани ҳақида танбеҳ ва шикоят эшитди. Аммо, болага: «Бор, йўқол! Сен зумраша нимани билар эдинг», демади. Аксинча, дарҳол нуқсонни тўғрилади.

Бундай улуғвор ишлар барчамизга ўрнак ва намуна бўлиши, барчамиз уларга амал қилишимиз лозим.

«Бахтиёр оила» китобидан